

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

“БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” КАФЕДРАСИ

ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИ

ТУШУНТИРУВ ЁЗУВИ

Мавзу: Наманган шаҳар “Сўлим” ошхона мажмуасини лойиҳалаш

Битирувчи:

25-БИҚ-11 гуруҳ талабаси

Рахимова Гулноза Ахмаджон қизи

Диплом лойиҳа иши раҳбари:

Б.Мирзажонов

“Заркент лойиҳа қурилиш” ХК

лойиҳа бош муҳандиси

Наманган – 2015 йил

МУНДАРИЖА

Кириш

I. Қурилиш меъморчилиги

I.1. Лойиҳалаш учун маълумотлар

I.2. Хажмий режавий ечим

I.3. Конструктив ечим

I.4. Антисейсмик чоралар

II. Ҳисоб-конструктив

III. Қурилишни ташкил қилиш ва режалаштириш бўлими

IV. Атроф-муҳит муҳофазаси бўлими

V. Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги бўлими

VI. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мамлакатимизда инқирозга қарши чора дастурларини амалга оширишда инвестицияларни жалб қилиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодийтимизнинг муҳим тармоқларини талан модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузулма объектларини барпо этиш хал қилувчи устивор йўналишга айланди.

Бугунги кунга келиб, кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодийнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда яқиндан пайдо бўлаётган кўплаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиётини омили ролининг ошиб бориши моддий неъматларга бўлган талаблар кўпайишига олиб келади.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, табора кўпроқ ишчи кучининг ошиб банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса кўпаймоқдаю. Айниқса, аҳолига пуллик хизмат кўрматиш, савдо соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида муттаносибликка эришишида иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўтган йилни “ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ” йили деб аталиши ҳамда республикаимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб қуватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек, маиший хизмат кўрматиш соҳасининг юқори сифатлар билан ривожлантиришга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 17- майдаги “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006 – 2010 йилларда ривожлантириш хақида” ги ПҚ – 325 сонли, 2007- йил 21- майдаги “Ўзбекистон Республикасидаги 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар хақида” ги ПҚ – 640 сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади.

Президентимизнинг “Жахон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида “2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устивор вазифа бўлиб қолади” деб белгилаб бердилар.

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муммоларини ҳал қилиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга хизмат кўрматиш соҳаси ва касабачиликни турли шакллари кенг жорий этишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Диплом лойиха ишида Наманган шаҳрида қурилиши мўлжалланган “Сўлим” ошхона мажмуасини лойҳалашни амалга ошириш билан юқорида келтирилган вазифаларни бажаришга кичкинагина хисса деб ўйлаймиз.

Бинони лойихалашда, меъморчилик қисмида бинонинг ҳажмий режавий ечими, конструктив ечими, зилзила бардошлигини таъминлашга қаратилган ечимлар қабул қилинган. Қурилишни ташкил қилиш ва режалаштириш бўлимида лойихаланаётган бинони қурилиши учун аниқланди. Қурилиш иқтисодий қисмида бинонинг объект смета нархи аниқланади. Атроф муҳит муҳофазаси бўлимида озиқ – овқат маҳсулотларини чиқиндилардан иккиламчи маҳсулот олиш муаммолари таҳлил қилинади. Ҳаёт фаолияти ҳавсизлиги бўлимида қурилиш монтаж ишларида меҳнат муҳофазаси чора тадбирларини ишлаб чиқади. Ҳисоб конструктив қисмида кўп бўшлиқли ораёпма плитаси лойихалаш ва конструктивлаш амалга оширилган.

I. ҚУРИЛИШ МЕЪМОРЧИЛИГИ

Лойихалаш учун умумий маълумотлар

Қурилиш режалаштирилган “Сўлим” ошхона мажмуаси Наманган шаҳрида қурилади. Бино классификацияси – II; бино узок яшовчанлик даражаси – II; асосий юк кўтарувчи конструкциялар ёнғинбардошлик даражаси – II;

Қурилиш майдонининг асосий тавсифномалари

- IV иқлим зонаси
- ташқи ҳавонинг ёзги ҳисобий ҳарорати - $+ 34,7^{\circ}\text{C}$
- ташқи ҳарорати - $- 5,4^{\circ}\text{C}$
- шамотнинг асосий йўналиши: шимолий – шарқий
- ер музлаш қатламининг чуқурлиги – 0,5 м
- қор қопламаси бўйича 1- географик майдонга мансуб бўлиб, меъёрий қор қопламаси – 0,5 МПа
- шамот босими – 0,38 кПа
- қурилиш раёнининг зилзилабардошлиги: 8 балл
- бинонинг ҳисобий зилзилабардошлиги: 8 балл
- ер ости сувлари – 10 м дан пастда жойлашган
- асос маҳаллий тупроқдан иборат
- асос тушадиган ҳисобий босим кг/см^3

Қурилиш майдонинг иқлимий маълумотлари ҚМҚ 2.01.01.94 “Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий – геологик маълумотлар” асосида олинади. Ушбу лойиха ШНҚ 2.08.02.09 “Жамоат бинолари” меъёр ва қоидалар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, бундан ташқари уларга мос келган бино эксплуатацияси давомида ёнғин хавсизлигини олдини олувчи чора – тадбирлар кўзда тутилган.

Участка бош режаси

“Сўлим” ошхонаси мажмуаси биноси шаҳарнинг шимолий sanoat зонаси ҳудудида жойлашган. Бош режада лойиҳаланаётган бино мавжуд корхона ва

ташкilotларни бинолари жойлашган. Худуддаги микроклиматни таъминлаш учун ховуз ва турли мевали дарахтлар билан кўкаламзорлаштириладиган майдон лойихаланади. Қурилиш майдони иқлимий кескин континентал, яъни ёз ойларида ҳаво ҳарорати бўлганлиги учун кўкаламзорлаштириладиган алоҳида эътиборни қаратилган. Шу билан бирга бош режада ёзги айвонлар кўзда тутилган.

Ошхона биносининг жойлашиш ўрни шаҳар бош режаси схемасига мос ҳолда, асосий йўлларга боғланиш, санитар – гигиеник ва ёнғинга қарши талабаларни ҳисобга олиб лойихаланган.

Бош режани лойихалашда бинолар орасидаги санитар оралиқлар таъминланган бўлиб, бу оралиқ шовқиндан ҳимояланишни табиий ёритилганликни ва изоляцияни оптимал оптимал шароитини таъминлашга қаратилган.

Мухандислик ускуналари

Ошхона муҳандислик тизимлари марказлашган сув, оқава сув, иссиқ сув таъминоти, иссиқлик таъминотига уланади. Шу билан бирга мавжуд электр телефон тармоқларига уланади.

- Вентиляция табиий ва механик тортувчи, ҳизмат корхоналарида табиий палата ва ошхонада механик тортувчи
- Электр таъминоти кучланиши: 380/220 В ли III дан
- Алоқа умумий тармоққа уланади
- Водопровод ичимлик, хўжалик мақсадларида мавжуд тармоқдан
- Оқава сув маиший ишлаб чиқариш умумий фойдаланишдан оқава сув тармоғига тушади
- Иситиш ташқи тармоқдан иссиқлик тушувчи сувнинг параметрлари 650°85°С

Бош режа асосий кўрсаткичлари

- | | |
|--------------------------------------|-----------|
| 1. Участка майдони | 4226 кв.м |
| 2. Қурилиш майдони | 548 кв.м |
| 3. Бетон плиткали йўл ва майдончалар | 3400 кв.м |
| 4. Кўкаламзорлаштирилган майдон | 278 кв.м |

- 5. Қурилиш фоизи 13%
- 6. Кўкаламзорлаштирилган фоизи 12%

Асосий технологик жараён

Лойихаланаётган бинонинг асосий функционал вазифаси овқат таёрлаш ва ҳўрандалар учун қулай шароитни таъминлашдан иборат. Шунинг учун бинони лойихалашда ҳудуд асосан икки қисмга ажраган ва уларнинг узвийлиги таъминланган. Бу овқат таёрлаш ва пишириш бўлимлари ва ҳўрандалар учун ички ва ташқи овқатланиш заллари.

Бинони лойихалашда, бинога кириб чиқиш йўллари эвакуация қилиш шартлари асосида лойихаланган.

Хажмий – режавий ечим

Лойихаланаётган бино учта бинодан иборат бўлиб, биринчи блок овқат таёрлаш пишириш бўлимларини ўз ичига олган. Бу бинонинг режадаги ўлчами 14,6 x 11,3 м ли режада Г симон бино, бир қаватли, қават баландлиги 3м ни ташкил қилади. Биринчи блокда асосан ошхонанинг таёрлов хоналари, нонвойхона, ишчи ва ҳизматлар учун маиший хоналар жойлашган. Иккинчи ва учинчи блоклар ҳўрандалар хизмат қилиш учун мўлжалланган бўлиб, улардан биттаси овқатланиш зали ҳисобланади, унинг режадаги ўлчами 9,4 x 24 м, бир қаватли, қават баландлиги 4,2 м ни ташкил қилади, қават баландлиги 3 м, икки қаватли бўлиб бу бино асосан ҳурандалар учун овқатланиш кабиналардан иборат. Иккинчи қават галерея типиде лойихаланган. Галерея олди очик айвон кўринишида жойлашган.

Бинонинг хажмий – режавий ечими бевосита бинога қўйилган функционал талаб асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда бинонинг фазовий ориентацияси кун давомида қуёшнинг бинога тушиш бурчаги кириш ва чиқиш йўллари эвакуация шарт – шароитлари ҳисобга олинган.

Конструктив ечим

Лойиха индустриал қурилиш махсулотлари каталоги асосида ишлаб чиқилган.

Пойдеворлар

Пойдеворлар ғишт девор остига лента шаклида қўйилган. Пойдеворларни қўйилиш чуқурлиги 1, 50 м ни ташкил қилади.

Пойдеворлар плитаси монолит темирбетондан қўйилади.

Горизонтал гидроизоляция қалинлиги 50 мм ли асфальтобетондан бажарилади. Пойдеворларнинг ер билан туташадиган қисмини 2 қатламли битум суркаш билан гидлоизоляция қилинади.

Девор

Бинонинг асосий юк қўтарувчи конструкциялари ички ва ташқи ғишт деворлар хизмат қилади.

Деворлар хажмий оғирлиги 1800 кг/м^3 , маркали “М76” бўлган оддий пиширилган ғишtdан қалинлиги 380 мм, яъни 1,5 ғишт қалинликда терилади.

Қурилиш раёни 8 баллик сейсмик худудга мансуб бўлганлиги учун ғишт териш жараёнида антисейсмик тадбирлар “Зилзилавий худудларда қурилиш” ҚМҚ асосида таъминланади.

Пардеворлар

Пардеворлар армоғишtdан иборат. Армоғишт пардеворлар оддий пиширилган ғишtdан М25 маркали қоришмада терилади, ҳар бир 5 қатордан 4 мм ли Вр – 1 классли арматура четкаси қўйилади. Пардеворлар ҳар иккала томонидан оҳак – цементни М50 маркали қоришма билан сувок қилинади.

Ораёпма ва ораёпма плиталари

Ора ва том ёпма плитаси учун 1.461.1 серияли кўп бўшлиқли плиталар қўлланилган.

Кўп бўшлиқли панеллар деворга М50 цемент қоришма устига урнатилади. Панеллар орасидаги чоклар М100 маркали цементли қоришма билан бир текисда тўлдирилади.

Кўп бўшлиқли плиталар ўзъаро анкерлар билан пайванд қилинади. Плита бўшлиқларига ғишт чуқурликда бетон қўйилади. Сантехника трубалари ўтказиш учун электр инструмент ёрдамида керакли диаметрдаги тешикни бўшлиқ бор жойдан очишга рухсат берилади. Панел қобурғаларини синдириш ёки у ердан тешик очиш таъқиқланади.

Метал фермалар

2 – блокнинг том ёпмаси 2000 мм қадамда ўрнатиладиган металл фермалар ёрдамида беркитилади. 3 – блокнинг ёпмасида ҳам металл фермалар қўлланилган.

Лойихада икки турдаги ФМ – 1 ва ФМ – 2 маркали индивидуал лойиха асосида таёрланган фермалар қўлланилган.

Том

Ёғоч материалдан том ёпилган қисмларида том конструкцияларини думалоқ, диаметри 180 мм ли ёғочдан 800 мм ли қадамда ёпилиб, устига ёғоч прогон ўрнатилади ва маҳаллий материаллардан тўшама ҳосил қилинади.

Том тўшамаси сифатида СВ – 1750 (ДАСТ 20430 – 75) маркадаги тўлқинсимон асбист шифер қўлланилган. Сторопила блоги устидан 50х50 қадамда рейкадан обрешотка тўқилиб, устига шифер қопланади. Томдан ёғин сувлари ташкил қилган ҳолда оценковый трубалар орқали чиқиб кетади.

Поллар

Полни ётқизишда ҚМҚ 3.02.01 – 87 “Поллар” ва СН – 300 – 75 кўрсатмасига асосан ётқизилиши лозим.

Асосни механик усулда зичлаш лозим юқори қатламга гравий солиб зичлаш лозим. Полни бетон қатламини вибратор ёрдамида зичланади. Бинода асосан

мозайкали пол қўлланилган, овқат таёрлаш, санитарик – гигиеник хоналарда сопол плиткалардан фойдаланилади.

Эшик ва деразалар

Дераза ва эшиклар алюминий профилли қабул қилинган. Эшиклар хоналарни ўзаро боғлайди.

Эшик ва деразалар ДАСТ 16289 – 96 асосида қабул қилинган. Эшиклар бир ва икки табақали, берк ва ойнакли қабул қилинган.

Эшик ва деразаларни ўлчамлари, қўлланиши ва сони тўғрисида маълумотлар лойиханинг меъморчилик қисмининг “Ёғоч материаллар қайдномасида” келтирилган.

Ички ва ташқи пардозлар

Ошхона мажмуасини ички пардозлаш хонанинг функционал вазифасини ҳисобга олган. Нам режимда ишламайдиган хона деворларини пардозлаш учун силикат бўёқлар, мойли бўёқлар билан биргаликда ишлатилишини тавсия қилинади. Нам девор ва парда деворлар совуқ қилиниб, сўнгра бўёқ қилинади.

Ғиштли девор ва парда деворлар совуқ қилиниб сўнгра бўёқ қилинади. Ташқи деворни бўйашда ҳозирги ёғин сувларига бардошли фасад бўёқлардан фойдаланилади.

Ёғоч профилли эшик, дераза блоки ҳамда металл элементларини ПФ 133 эмаль билан ДАСТ 326 – 82 асосида 2 марта бўйлади.

Бино атрофи 600 мм ли бетон плиткали атмоска ётқизилади.

Антисейсмик чоралар

Лойиҳаланаётган бинони сейсмик мустаҳкамлигини оширишга қаратилган қуйидаги асосий конструктив чоралар ишлаб чиқилган.

Бино периметри бўйлаб жойлашган хоналарнинг ўзаро силкикнишга йўл қўймаслик мақсадида шпонка ҳосил қилинади. Бунинг учун панелларнинг ён

қисмида қолдирилган ўйиқ жойларга цемент қоришма қуйилади. Панеллар орасидаги чокларда хосил бўладиган қирқувчи кучларни ана шу шпонкалар ўзига қабул қилинади.

Бундан ташқари бўйлама кучларни қабул қилиш учун панел текислигида яхлитликни таъминловчи темир – бетон боғлама ишланади. Ёпма панелларни боғлама билан арматура илмоқлари ёрдамида бириктирилади. Темиретон боғламалар бор ерда параллар орасига боғлагич қўямаси ҳам бўлади.

Ғишт девори биноларда бўйлама ва кўндаланг деворларнинг туташув ери икки йўналишдаги деворларнинг боғланишини кучайтириш мақсадида туташув ерларидаги горизонтал чокларга сим тўр ётқизилади. Сим тўрларининг узунлигини 1,5 – 2,0 м бўлиб, қурилиш майдончаси 8 балли сейсмик ҳудуд бўлгани учун девор баландлиги бўйлаб ҳар 5 см да жойлаштирилади.

Деворларининг ўзаро бирикувини мустаҳкамлаш мақсадида сим тўрлардан ташқари темир – бетон антисейсмик камарлардан фойдаланилади. Бинода антисейсмик камарлар барча бўйлама ва кўндаланг (ички ва ташқи) деворлар бўйлаб ўтказилади. Ҳар бир қаватнинг симни баландлигида ётқизилади, девор ва ёпмалар билан чамбарчас боғланиб, ягона, ёпиқ системани ташкил қилади. Антисейсмик камарлар деворларнинг ўзаро боғланишини мустаҳкамлайди. Деворларнинг ўз мустаҳкамлигидан пишиқлигини оширади, ёпмаларнинг бикирлиги ва монолитлигининг ортишини таъминлайди.

Камарларга узунасига бутун периметр бўйлаб арматура ётқизилади ва ҳар 25 – 40 см да диаметри 4 – 6 мм бўлган пўлат ҳомут боғланади.

Арматура сифатида А – I синфли пўлат ишлатилади, уларнинг диаметри 10 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Ётқизиладиган бетоннинг синфи В 12,5 дан кам бўлмаслиги керак. Бурчакларда ва кесишиш ерларида қўйилган сим тўр маҳкамликни таъминлай олмаса қия стерженлар қўйиш тавсия этилади. Камарларнинг баландлиги 15 см дан паст бўлмаслиги керак. Бино томи сатҳида ўрнатиладиган камарларнинг устида босиб турадиган юк бўлганлиги сабабли ер

қимирлаганда комар ўрнидан силжиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун девор узунлигини ҳар 50 см да камардан юқори ва пастга 25 – 30 см узунликда арматура чиқариб қолдирилади. Арматуранинг ўрнига мнокаддан фойдаланилса ҳам бўлади. Бунинг учун камар остидаги деворда 14x14x30 см ўлчамда чуқурча қолдирилади. Чуқурчага вертикал арматура жойланади, камарга бетон ётқизилганда чуқурчага ҳам бетон тўлдирилади.

II.ҲИСОБ-КОНСТРУКТИВ ҚИСМ

Томёпма плитасини ҳисоблаш

1. Лойихалаш учун умумий маълумотлар

Вақтинчалик юкламанинг меъёрий юкламаси қийматини $V = 3000 \text{ Н/м}^2$, шундан – 1500 Н/м^2 қисқа муддатли юклама

Бино тури бўйича ишончлилик коэффициенти $g_n = 0,95$, юкламалар бўйича ишончлилик коэффициенти $g_f = 1,2$

Қурилиш жойи Наманган, қор юкламаси бўйича 1 – районга мансуб.

2. Йиғма ораёпма конструктив схемасини компановкалаш.

Томёпма плитани кўп бўшлиқли олдиндан зўриктирилган. Плитанинг энини 1200 мм қабул қиламиз;

3. Кўп бўшлиқли плитани биринчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблаш.

Ҳисобий сакраш ва юкламалар.

Плита деворга таянган ҳисобий оралик

$$L_o = L - b - a = 4,8 - 0,1 = 4,7 \text{ м}$$

Томёпманинг 1 м^2 юзасига тўғри келадиган юкламалар ҳисоби 1 – жадвалда келтирилган.

Юкламалар тури	Меъёрий юклама	Юклама тури бўйича ишончлилик коэффициенти	Ҳисобий юклама
Доимий:	3000	1,1	3300
кўп бўшлиқли плитадан цемент қоришмали қатлам $b=20 \text{ мм}$ ($\rho=2200 \text{ кг/м}^3$)	440	1,3	572
сопол плиталар $b=13 \text{ мм}$ ($\rho=1800 \text{ кг/м}^3$)			

	240	1,1	264
$\delta=20$ мм ($\rho=2200$ кг/м ³)	440	1,1	484
Жами	4120		4120
Вақтинчалик қордан: шу жумладан	3000	1,2	3600
узоқ муддатли:	1500	1,2	1800
қиска муддатли:	1500	1,2	1800
Тўла юклама: шу жумладан	7120		7720
доимий (4120) ва узоқ (1500)	5620		
қиска муддатли (1500)	1500		

Эни 1,2 м бўлган плитани 1 м узунлигига тушаётган ҳисобий юклама бино тури бўйича ишончлилик коэффициенти $\gamma = 0,95$ ни ҳисобга олган ҳолда.

доимий $g = 4.12 \cdot 1.2 \cdot 0.95 = 4.944$ кН/м

тўла $g + u = 7.72 \cdot 1.2 \cdot 0.95 = 8.801$ кН/м

$$U = 3.6 \cdot 1.2 \cdot 0.95 = 4.32 \text{ кН/м}$$

1 м узунликка тўғри келган меъёрий юклама:

доимий $g = 4.12 \cdot 1.2 \cdot 0.95 = 4.944$ кН/м

тўла $g + u = 7.72 \cdot 1.2 \cdot 0.95 = 8.544$ кН/м

Шу жумладан доимий ва узоқ муддатли $5.62 \cdot 1.2 \cdot 0.95 = 6.744$ кН/м

Ҳисобий ва меъёрий юкламалардан ҳосил бўлган зўриқишлар.

Ҳисобий тўла юкламадан.

$$M = \frac{(g + V)l_0^2}{q} = \frac{8.801 \cdot 4.7^2}{8} = 24.43 \text{ кНм}$$

$$Q = \frac{(g + V)l_0^2}{2} = \frac{8.801 * 4.7}{2} = 20.68 \text{ кН}$$

Меёрий тўла юкламада

$$M = \frac{8.117 * 4.7^2}{8} = 22.41 \text{ кНм}$$

$$Q = \frac{8.117 * 4.7}{2} = 19.07 \text{ кН}$$

Меёрий доимий ва узок муддатли юкламалардан.

$$M = \frac{8.801 * 4.7}{2} = 17.69 \text{ кНм}$$

Плита кесими ўлчамларини белшилаш

Олдиндан зўриқтирилган плита кесими баландлиги:

$h = 470/20 = 22$ см қабул қиламиз. Бўшлиқлар сони ν , бўшлиқ диаметри 160 мм, кесим ишчи баландлиги $h_0 = h - a = 22 - 3 = 19$ см. Ўлчамлари : қуйи ва юқори токча қалинлиги $(22 - 16)/2 = 3$ см. Қобурға эни : ўртача 3 см , четки -4,5 см.

Биринчи гуруҳ чешаравий ҳолат бўйича ҳисобда тавр кесим сиқилган. Токчанинг ҳисобий қалинлиги $h_f/h = 3/22 = 0.227 > 0.1$ бунда токча энининг бутун узунлиги ҳисобга киритилади $\nu_f = 116$ см; қовурғанинг ҳисобий эни $b = 116 - 6 * 16 = 20$ см.

Бетон ва арматуралар мустаҳкамлигини тавмифлари.

Олдиндан зўриқтирилган қобурғали плита А – IV классли арматура билан арматураланади. Арматурани тортиш услуби – Ферма – электротермик конструкцияга атмосфера босими остида иссиқлик тавсиф этилади.

В 25 классли оғир бетон. Призматив мустаҳкамлиги:

Меёрий $R_{bp} = R_{b,ser} = 18.5 \text{ МПа} ;$

Ҳисобий $R_b = 14.5 \text{ МПа} ;$

Бетон иш шароити коэффиценти $Y_{b2} = 0.9$ ҳисобий $R_b = 1.05 \text{ МПа} ;$

Бетоннинг бошланғич эластиклик модули $E_b = 27000 \text{ Мпа}$;

Бетон етуклик мустахкамлиги R_b ни шундай белгилаш керакки, бунда сиқилишдаги кучланишлар нисбати $\sigma_{bp} / R_{bp} \leq 0.75$ шарт қаноатлантирилиши лозим.

Бўйлама қобурғалар арматураси А – IV

$R_{sn} = 590 \text{ Мпа}$; $R_s = 510 \text{ Мпа}$; $E_s = 190000 \text{ МПа}$;

Арматурани тортишдаги дастлабки кучланишни $\sigma_{sp} = 0.7 R_{sn} = 0.7 * 590 = 413 \text{ Мпа}$;

Қуйидаги шарт бажарилишини текширамыз

Электрометрик усулда тортганда

$\Delta\sigma_{sp} = 30 + 360 / L = 30 + 360 / 4.8 = 105.0 \text{ Мпа}$;

$\sigma_{sp} + \Delta\sigma_{sp} = 413 + 105 = 518 \text{ МПа} < R_{sn} = 590 \text{ Мпа}$;

$\sigma_{sp} - \Delta\sigma_{sp} = 413 - 105 = 308 \text{ МПа} > 0.3 R_{sn} = 177 \text{ Мпа}$;

Дастлабки кучланишни чегаравий четланишини хисоблаймыз.

$$\Delta Y_{sp} = 0.5 \frac{\Delta\sigma_{sp}}{\sigma_{sp}} \left(1 + \frac{1}{\sqrt{n}} \right) = 0.5 \frac{105}{413} (1 + 1/\sqrt{2}) = 0.217 > 0.1$$

$\Delta Y_{sp} = 0.217$ қабул қиламыз.

Дастлабки зўриқишни мустахкамлигини оширишга қулай таъсир этгандаги тортиш аниқлиги коэффициенти

$$J_{sp} = 1 - \Delta Y_{sp} = 1 - 0.217 = 0.783$$

Плитани юқори зонасида эшгрилик ёриқлик ҳосил бўлиши хисобланганда

$$J_{sp} = 1 + \Delta Y_{sp} = 1 + 0.217 = 1.217$$

Тортиш аниқлигини хисобга олган ҳолдаги дастлабки зўриқиш

$$\sigma_{sp} = 0.783 * 413 = 323.4 \text{ Мпа}$$

Плитани бўйлама ўққа (нормал) тик кесим бўйича мустахкамликка ҳисоби $M = 24.3 \text{ кН м}$ Токчаси юқори зонада жойлашган тавр кесим.

$$A_0 = \frac{M}{R_b \cdot b_f' \cdot h_0^2} = \frac{2430000}{0.9 \cdot 14.5 \cdot 116 \cdot 19^2} = 0.040$$

[1] нинг (3.16) ва (3.17) формуласидан

$$\xi = 1 - \sqrt{1 - 2A_0} = 0.041 \quad \text{ва} \quad \eta = 1 - 0.5 \xi = 0.980$$

$$x = \xi h_0 = 0.78 \cdot 19 = 0.78 < 5 \text{ см нейтрал ўқ токчадан ўтади.}$$

Сиқилувчи зона характеристикасини ҳисоблаймиз ;

$$\omega = 0.85 - 0.008 R_b = 0.85 - 0.008 \cdot 14.5 \cdot 0.9 = 0.75$$

Сиқилувчи зонанинг чегаравий баландлиги

$$\xi_R = \frac{\omega}{1 + \frac{\sigma_{SR}}{500} \left(1 - \frac{\omega}{1.1}\right)} = \frac{0.75}{1 + \frac{620.9}{500} \left[1 - \frac{0.75}{1.1}\right]} = 0.54$$

$$\text{Бу ерда } \sigma_{SR} = R_s + 400 - \sigma_{SP} = 510 + 400 - 289.1 = 620.9 \text{ Мпа}$$

Дастлабки кучланишини барча йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда тахминан қуйидагига тенг деб оламиз.

$$\sigma_{SR} = 0.7 \cdot 413 = 289.1 \text{ Мпа}$$

Олдиндан зўриктирилган арматурани шартли оқувчанлик чегарасидан кейинги қаршилигини ҳисобга олувчи иш шароити коэффициенти

$$Y_{sb} = \eta - (\eta - 1) \left(\frac{2\xi}{\xi_R} - 1 \right) = 1.2 - (1.2 - 1) \left(2 \cdot \frac{0.41}{0.54} - 1 \right) = 1.37 > \eta$$

Бу ерда $\eta = 1.2$ А – IV классдаги арматура учун $Y_{sb} = 1.2$ қабул қиламиз.

$$A_s = \frac{M}{Y_{sb} \cdot R_s \cdot \eta \cdot h_0} = \frac{2430000}{1.02 \cdot 510 \cdot 0.980 \cdot 19(100)} = 2.13 \text{ см}^2$$

Юзаси $A_s = 2.355 \text{ см}^2$ 3Ø10 А – IV классли арматурани қабул қиламиз.

Бўшлиқли плитани бўйлама ўқига қия кесим бўйича бустахамликка ҳисоби. Ҳимобий зўриқиш $Q = 20.68$ кН. Ҳисобий қия кесимнинг бўйлама ўққа проекциясини ҳисоблаймиз. Бўйлама сиқувчи куч

$$P_{02} = 75.878 \text{ кН.}$$

$$\varphi_n = \frac{0.1 \cdot N}{R_{bt} \cdot b \cdot h_0} = \frac{0.1 \cdot 75878}{1.05 \cdot 14 \cdot 19 \cdot (100)} = 0.272 < 0.5$$

Ҳисоб бўйича кўндаланг арматуралар талаб қилишини текширамыз.

Шарт

$$Q_{max} = 20.68 \cdot 10^3 \text{ Н} > 2.5 R_{bt} \cdot b h_0 = 2.5 \cdot 0.9 \cdot 10.5 \cdot (100) \cdot 20 \cdot 19 = 89775 \text{ Н}$$

бажарилди

$$q_1 = g + \frac{V}{2} = 4.697 + \frac{4.32}{2} = 6.857 \frac{\text{кН}}{\text{м}} = 68,57 \frac{\text{Н}}{\text{см}} \text{ ва}$$

$$0,16 \varphi_{bh} (1 + \varphi_n) \cdot R_{bt} = 0.16 \cdot 1.5 (1 + 0.272) 0.9 \cdot 1.05 \cdot 20 \cdot (100) = 577 \frac{\text{Н}}{\text{см}} > 6.857 \frac{\text{Н}}{\text{см}}$$

бўлгани учун.

$$C = 2.5 h_0 = 2.5 \cdot 19 = 47.5 \text{ см}$$

Кейинги шарт :

$$Q = Q_{max} - q_1 \cdot c = 20.68 \cdot 10^3 - 68.57 \cdot 47.5 = 17.4 \cdot 10^3 \text{ Н}$$

$$\varphi_{bh} (1 + \varphi_n) R_{bt} \cdot b \cdot \frac{h_0}{c} = 1.5 (1 + 0.272) 0.9 \cdot 1.05 \cdot 20 \cdot 19^2 \cdot \frac{100}{47.5} = 27.4 \cdot 10^3 \frac{\text{Н}}{\text{см}} > 17.4 \cdot 10^3 \text{ Н/см}$$

Иккинчи шарт ҳам бажарилди.

Демак кўндаланг арматуралар ҳисоб бўйича талаб қилинмайди. Узунлиги $\frac{1}{4}$ бўлган таянч олди қисмида конструктив шарт асосида $\varnothing 4 B_p - 1$ классли арматурани $S = h/2 = 22/2 = 11$ см. Лекин 15 см дан ошмаслиги керак. Плитанинг таянч олди қисмларида $S = 10$ см қабул қиламиз. Плитанинг ўртача қисмида арматура ўрнатилмайди.

Кўпбўшлиқли плитани 2 – турга чегаравий ҳолат бўйича ҳисоби.

Келтирилган юзанинг геометрик характеристикалари.

Айлана кўринишидаги бўшлиқларни томонлари $h = 0.9 \cdot 16 = 14.4$ см бўлган эквивалент квадратга алмаштираемиз. Шуна эквивалент кесим тоқчаси қалинлиги $h'_f = h_f = \frac{(22-14.4)}{2} = 3.8$ см қобурғалар эни $116 - 6 \cdot 14.4 = 29.6$ см, бўшлиқлар эни $116 - 29.6 = 86.4$ см.

Эластиклик модуллар нисбати

$$\alpha = E_s/E_b = 190000/27000 = 7.04$$

Келтирилган кесим юзаси

$$A_{red} = A_b + \alpha \cdot A_s = 116 \cdot 22 - 86.4 \cdot 14.4 = 1308 \text{ см}^2$$

Қуйи четдан келтирилган кесим оғирлик марказигача бўлган масофа

$$Y_0 = 0.5h = 0.5 \cdot 22 = 11 \text{ см}$$

Келтирилган симметрик кесим инерция моменти

$$I_{red} = 116 \cdot 22^3/12 - 86.4 \cdot \frac{14.4^3}{12} = 81432 \text{ см}^2$$

Келтирилган кесимни қуйи зонаси бўйича қаршилиқ моменти

$$W_{red} = \frac{I_{red}}{Y_0} = \frac{81432}{11} = 7403 \text{ см}^3$$

Шу кесимни юқори зонаси бўйича қаршилиқ моменти

$$W'_{red} = \frac{W_{red}}{(h - Y_{red})} = \frac{81432}{22 - 11} = 7403 \text{ см}^3$$

Чўзилувчан зонадан энг кўп узоқлашган ядровий нуқтадан (юқorigа) келтирилган кесим оғирлик марказигача бўлган масофа

$r = 0.85 \cdot (7403/1308) = 4.81$ см; худди шу, энг кам узоқлашган масофа (пастки)

$$r_{inf} = 0.85 \cdot \left(\frac{7403}{1308} \right) = 4.81 \text{ см}$$

Бу ерда
$$\varphi = 1.6 - \frac{v_b}{R_{b,ser}} = 1.6 - 0.75 = 0.85$$

Бетондан меъёрий юкламалардан ҳосил бўлган кучланишни бетон ҳисобий қаршилигига нисбати иккинчи группа чегаравий ҳолат учун тахминан 0.75 га тенг деб оламиз.

Чўзилувчи зона бўйича упругопластик қаршилиқ моменти

$$W_{pl} = Y \cdot W_{red} = 1.5 \cdot 7403 = 11105 \text{ см}^3$$

Бу ерда $y = 1,5$ ва $e_f/e = 2 < 116/29.6 = 3.9189189189$ бўлгандаги двутаврли кесим учун.

Элементни таёрлаш ва тортилган арматура сиқилиши босқичидаги чўзилувчи зона бўйича упругопластик қаршилиқ моменти:

$$W'_{pl} = y \cdot W'_{red} = 1.5 \cdot 7403 = 11105 \text{ см}^3$$

Арматурани дастлабки кучланишини йўқотиш

Арматурани тортиш аниқлиги коэффициенти $Y_{sp} = 1$

1. Деформация ўзгармаган ҳолда арматурадаги кучланиш (1 – йўқотилиши) кучланиш релаксацияси. Электротермик усулда тортилганда.

Стерженли арматура

$$\sigma_1 = 0.03 \cdot \sigma_{sp} = 0.03 \cdot 413 = 12.4 \text{ МПа}$$

2. Температура фарқи натижасида кучланишни камайтириш.

Ферма – электрометриқ усулда тортилганда ва бетон классли В 25 бўлганда

$$\sigma_2 = 0$$

3. Тортувчи қурилмадан анкерлар деформацияланиши натижасида жастлабки кучланишни камайтириш. Форма – электрометриқ усулда тортилганда.

$$\sigma_3 = 0$$

4. Арматураларни эгувчи қурилмалирига ишқаланиги натижасида рўй берадиган кучланишни йўқолиши

$$\sigma_4 = 0$$

5. Арматураларни формага бир вақтда тортмаслиги сабабли пўлат формаси деформацияланиши натижасида рўй берадиган йўқотиш

$$\sigma_5 = 25 \text{ МПа}$$

Сиқувчи куч

$$P_1 = A_{sp}(\sigma_{sp} - \sigma_1 - \sigma_2 - \sigma_3 - \sigma_5) = 2.355(413 - 12.4 - 0 - 0) \cdot 100 \\ = 94341.3 \text{ Н}$$

Бу кучни келтирилган кесим оғирлик марказига нисбатан экцентриситети

$$L_{op} = 11 - 3 = 8 \text{ см}$$

Бетон сиқилишидаги кучланиш

$$\sigma_{bp} = \frac{P}{A_{red}} + \frac{P_1 l_{op} Y_{red}}{I_{red}} = \frac{94341.3 \cdot 8.11}{81432 \cdot 100} = 1.7 \text{ МПа}$$

$\sigma_{bp}/R_{bp} < 0.75$ шарт асосида бетонни акустик мустахкамлигини катталиги белгиланади

$$\sigma_{bp}/R_{bp} = 1.7/0.75 = 2.3 \text{ МПа} \qquad 0.5 \cdot B25 = 12.5 \text{ МПа}$$

$R_{bp} = 12.5 \text{ мПа}$ қабул қиламиз.

Бунда нисбат ʼ

$$\sigma_{bp}/R_{bp} = 17/12.5 = 0.136$$

Плита хусусий оғирлигини ҳисобга олинмайди.

P_1 тасвирдан зўриктирилган арматура оғирлик марказида ҳосил бўлган бетондаги сиқувчи кучланишни ҳисоблаймиз:

Демак:

$$\sigma_{bp} = \frac{P_1}{A_{red}} + \frac{(P_1 l_{op} - M) l_{op}}{I_{red}} = \frac{94341.3}{1308 \cdot 100} + \frac{(94341.3 \cdot 8) \cdot 8}{81432 \cdot 100} = 1.5 \text{ МПа}$$

$$\sigma_{bp}/R_{bp} = 1.5/12.5 = 0.12 \text{ МПа}$$

Биринчи йўқотишлар йиғиндиси

$$\sigma_{los} = 12.4 + 0 + 0 + 25 + 4.1 = 41.5 \text{ МПа}$$

Биринчи йўқотишларни ҳисобга олган ҳолдаги кучланиш

$$P_1 = 2.355(413 - 41.5) 100 = 87488.3 \text{ Н}$$

$$\sigma_{bp} = \frac{87488.3}{1308 \cdot 100} + \frac{(87488.3 \cdot 8) \cdot 8}{81432 \cdot 100} = 1.4 \text{ МПа}$$

Иккинчи йўқотишлар:

Нисбат $\sigma_{bp}/R_{bp} = 1.4/12.5 = 0.112$

Бетон кўчишдан ҳосил бўлган кучланишни йўқотилиши

Бетон классли В25 бўлганда $\sigma_8 = 35$ мпа, $\sigma_9 = 0.85 \cdot 150$

$$\sigma_{bp}/R_{bp} = 0.85 \cdot 150 \cdot 0.112 = 14.3 \text{ МПа}$$

Иккинчи йўқотишлар $\sigma_{los2} = 35 + 14.3 = 49.3 \text{ МПа}$

Жами йўқотишлар $\sigma_{los} = \sigma_{los} + \sigma_{los2} = 41.5 + 49.3 = 90.8 \text{ МПа}$

Сиқувчи куч $P_{02} = 2.355 (413 - 90.8) 100 = 75878.1 \text{ Н}$

Бўйлама ўққа нормал ёриқлар ҳосил бўлишига ҳисоб

Ёруғбардошлик бўйича 3 – тоифага мансуб элементлар учун юкламалар бўйича ишончлилик коэффициенти қийматини $Y_{sp} = 1$ қабул қиламиз.

$$M = 22.41 \text{ кН м}$$

Ёриқлар пайдо бўлишидаги моментини ҳисоблаймиз.

$$M_{erc} = R_{bt,ser} \cdot W_{pl} + M_{rp} = 1.6(100)11105 + 874798.6 = 265198.6 \text{ Нсм} \\ = 26.5 \text{ кНм}$$

Бу ерда $Y_{sp}=0.9$ бўлгандаги сиқувчи куч ядровий моменти

$$M_{rp} = Y_{sp} \cdot P_{02} \cdot (l_{op} + r) = 0.9 \cdot 75878.1 \cdot (8 + 4.81) = 874798.6 \text{ Нсм}$$

$M_{erc} = 26.5 \text{ кНм} > M = 22,41 \text{ кНм}$ бўлганлиги учун чўзилувчи зонада ёриқ ҳосил бўлмайди. Демак , ёриқлар очилишига ҳисоблаш керак эмас

Плита сиқилгандан уни юқори зонасида бошланғич ёриқлар ҳосил бўлишини текшираимиз.

Тортиш аниқлиги бўйича, коэффиценти $y_{sp} = 1.217$

Плита ҳусусий оғирлигидан ҳосил бўлган момент $M = 0 \text{ кНм}$

Ҳисобий шарт $P_1(l_{op} - r_{inf}) - M \leq R_{\Delta tp} \cdot W'_{pl}$

$$P_1(l_{op} - r_{inf}) - M = 1.1 \cdot 87488.3(8 - 4.81) - 0 = 306996.4 \text{ Н см} = 3.07 \text{ кНм}$$

$$R_{\Delta tp} \cdot W'_{pl} = 1 \cdot 100 \cdot 11105 = 1110500 \text{ Нсм} = 11,11 \text{ кНм}$$

$3,07 \text{ кНм} < 11.11 \text{ кНм}$ бажарилди. Плита юқори қисмида ёриқлар ҳосил бўлмайди. Бу ерда $R_{btp} = 1 \text{ Мпа}$ $R_{bp} = 12.5 \text{ МПа}$ бетон ётуқлик мустаҳкамлигига тўғри келган чўзилишга қаршилиги

Бўйлама ўққа тик ёриқлари бўлмаган кесим солқилигини ҳисоблаш

Плита бўйлама ўқини тўла эгрилиги $(1/r)_{tot} = (1/r)_1 + (1/r)_2 - (1/r)_3 - (1/r)_4$

1. Доимий ва давомий юклама таъсиридан ҳосил бўлган эгрилиги

$$(1/r)_1 = M / (0.85 E_b I_{red}) \cdot 17.69 \cdot 10^3 / (0.85 \cdot 27000 \cdot 81432 \cdot 100) = 0.95 \cdot 10^{-5} \text{ см}^{-1}$$

2. Қиска муддатли юклама таъсиридан ҳосил бўлган эгрилик

$$(1/r)_2 = \phi M_1 / (0.85 E_b I_{red}) = 2 * 4.72 \cdot 10^5 / (0.85 * 27000 * 81432 * 100) = 0.51 \cdot 10^{-5} \text{ см}^{-1}$$

$$\text{Бу ерда } M_1 = 1.5 * 1.2 * 0.95 * 4.7^2 / 8 = 4.72 \text{ кНм}$$

3. Дастлабки зўриқишни давомий бўлмаган таъсиридан ҳосил бўлган қавариқлик

$$(1/r)_4 = (\sigma_8 + \sigma_9) / (h_0 * E_s) = (35 + 14.3) / (19 * 190000) = 1.37 * 10^{-5} \text{ см}^{-1}$$

Тўла эгрилик

$$(1/r)_{tot} = (1/r)_1 + (1/r)_2 - (1/r)_3 - (1/r)_4 = (0.95 + 0.51 - 0.32 - 1.37) \cdot 10^{-5} = -0.23 * 10^{-5} < 0$$

Қабариклик бўлгани учун салқилик ҳисобланмайди.

III. ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

"Сўлим" мажмуаси қурилиши учун умумий меҳнат сарфи, машиналарга бўлган талабни аниклаш жадвали

Т/Р	Ишларнинг номи	ЕНиП	Иш ҳажми		Сарфланган меҳнат			Машиналарга талаб			Ишни бажариш учун кетган кун	смена сони	сменадаги ишчилар соми
			Иш ҳажми бирлиги	Сони	Звено таркиби	Бирлик ҳажм учун вақт бирлиги	Тула ҳажм учун вақт бирлиги	Машина ва меҳнизм номи	Бирлик ҳажм учун маш/соат	тула ҳажм учун маш/соат			
	Тайёргарлик ишлари (5%)						40,7						
	Умумқурилиш ишлари												
	1.Ер ишлари												
1	Қурилиш майдончасини қуввати 80 кВт бульдозер билан ишлаш	§2-1-24	1000 м2	0,5	Машинаист 5р-1	0,36	0,0	Д-157	0,36	0,02	1	1	1
2	Усимлик усадиган каватни сидириш. Д-157 бульдозер билан	§2-1-5	1000 м3	0,011	Машинаист 5р-1	0,93	0,001	Д-157	0,93	0,00	1	1	1
3	Ковш ҳажми 0,5 м3 ли тугри лопатали эксковатор билан тупрокни отвалга ковлаш	§2-1-8	100 м3	4,8	Машинаист 5р-1	3,4	2,0	Э-257	3,4	2,02	2	1	1
4	Иш фронтини очиб бериш учун тупрокни 50 м га суриш	§2-1-21	100 м3	4,8	Машинаист 5р-1	2,29	1,4	Д-157	2,29	1,36	2	1	1
5	Тупрокни кулда ишлаш	§2-1-11	м3	33,3	Ер казувчи 2р-1	1,36	5,7				3	1	2
6	0,1 м калинликдаги тупрокни кулда	§2-1-45	100 м3	0,2	Ер казувчи 2р-1	3,1	0,1				1	1	1

[illegible]

18	Сувок килинадиган, калинлиги 1,5 гиштли ички ва ташки гишт деворни териш	§3-3	1м3	222,7	Гишт терувчи 4р-1, 3р-1	3,6	100,2				7	2	8
19	Хавоза урнатиш	§3-16	1м3	222,7	Машинист 5р-1, дурадгор 4р-1, 2р-2	0,15	4,2	кран	0,05	1,39171	2	1	3
20	Монолит қисмлар ва монолит рамаларга опалубка қилиш	§4-1-27	1 м2	153,0	Дурадгор 4р-1, 2р-1	0,3	5,7				5	1	4
21	Монолит қисмларва монолит рамаларни арматуралаш	§4-1-34	1 т	1,3	Арматурачи 5р- 1, 2р-1	19	3,1				5	1	4
22	Монолит қисмларва монолит рамаларга бетон қуйиш	§4-1-37	1 м3	28,8	Бетончи 4р-1, 2р- 1	1,15	4,1				5	1	4
23	Опалубкани йигиб олиш	§4-1-27	1 м2	153,0	Дурадгор 4р-1, 2р-1	0,175	3,3				5	1	4
24	ораёпма плитасини урнатиш	§4-1-7	1 та элемент	29,0	мон-к 4р-1, 3р-2, 2р-1, машинист 5р-1	0,76	2,8	кран	0,19	0,68875	1	1	5
25	Сейсмобелбогга опалубка қилиш	§4-1-27	1 м2	54,6	Дурадгор 4р-1, 2р-1	0,26	1,8				4	1	4
26	Сейсмобелбог учун қулда қарқас ясаш ва урнатиш	§4-1-34	1 т	1,2	Арматурачи 5р- 1, 2р-1	19	2,8				4	1	4
27	Сейсмобелбогга бетон қуйиш	§4-1-37	1 м3	21,8	Бетончи 4р-1, 2р- 1	2,6	7,1				4	1	4
28	Опалубкани йигиб олиш	§4-1-27	1 м3	54,6	Дурадгор 4р-1, 2р-1	0,2	1,4				4	1	4
29	2-қават сувок қилинадиган, калинлиги 1,5 гиштли ички ва	§3-3	1м3	79,3	Гишт терувчи 4р-1, 3р-1	3,6	35,7				3	2	8

[illegible]

[illegible]

[illegible]

61	Отмостка остига шебен ёткизиш	§19-26	1м2	238,0	Бетончи 3р-1, 2р-1	0,21	6,2						
62	25 мм калинликдаги асфальт копламаси ёткизиш	§19-35	1 м2	238,0	Бетончи 3р-1, 2р-1	0,14	4,2						
	Умумий меҳнат сарфи						813,2						
	Турли ишлар умумий меҳнат сарфидан 15%				Турли касб эгалари		122,0						
	Сан-техник ишлар 8%				Сантехник		65,1						
	Электромонтаж ишлар 5%				Электрик		40,7						
	Кукаламзорлаштириш 8%				Турли касб эгалари		65,1						
	Тайёрлов ишлари 6%				Турли касб эгалари		48,8						
							1195,5						

IV. ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТИ

Иш тури сметаси

"Сўлим" мажмуаси биноси қурилиши учун

Қурилиш монтаж ишларининг киймати

т/р	Прейскурнт баҳолар, норматив хужжатлар	Ишлар ва харажатлар номи	Иш улчов бирлиги	Иш хажми	Бирлик киймати				Умумий киймати			
					Жами	Иш хаки	Маш.эсп. ----- Маш-ст иш хаки	Маш.эсп.	Маш-ст иш хаки	Жами	Иш хаки	Маш. эсп. ----- ----- Маш- ст иш хаки
1	2	3	4	5	6	7	8	8	8	9	10	11,00
		1-булим. Ер ишлари										
1	E1-1129	Майдонни бульдозер билан планировка килиш	100 м2	5	0,35		0,35 ----- 0,11	0,35	0,11	1,75	0	1,8 ----- ----- -0,6
2	E1-24-3	Усимлик каватини бульдозер билан сидириш	1000 м3	0,011	71,59		71,59 ----- 18,14	71,59	18,14	0,8	0,0	0,8 ----- ----- -0,2
3	E1-12-15	Экскваторда тупрокни отвалга ковлаш	1000 м3	0,48	243,3	10,74	233,06 ----- 46,66	233,06	46,66	116,8	5,2	111,9 ----- ----- -22,4
4	E1-164-3 п.3.187 к=1,2	Механик усулда ковланган траншея ва котлованларни ости ва деворларини кулда текислаш	100 м3	0,333	238,74	238,74				79,5	79,5	

5	E1-1608	Тупрокни булдозерда 50 мга суриш	1000 м3	0,48	180		$\frac{180}{61,1}$	180	61,1	86,4	0,0	$\frac{86,4}{-29,3}$
6	E1-1134	Тупрокни кулда зичлаш	100 м3	0,333	9,69	6,2	$\frac{3,49}{2,29}$	3,49	2,29	3,2	2,1	$\frac{1,2}{-0,8}$
7	E1-27-2	Булдозер ёрдамида тупрокни кайта суриш 5м гача	1000 м3	0,48	42,43		$\frac{42,43}{10,75}$	42,43	10,75	20,4		$\frac{20,4}{-5,2}$
8	E1-134-2	Пневматик трамбовка ёрдамида тупрокни зичлаш	100 м3	4,8	14,86	10,36	$\frac{4,5}{0}$	4,5	0	71,3	49,7	$\frac{21,6}{-0,0}$
9	E1-166-2	Траншея ва котлован ёнларини кулда тулдириш	100 м3	0,336	68,54	68,54				23,0	23,0	
		1-булим буйича жами								403,2	159,5	$\frac{243,9}{-58,4}$
		2-Булим. Пойдеворлар										
10	E11-5,	Пойдевор остига кум-шагал катламини зичлаб солиш	м3	5	1,68	1,67				8,4	8,4	
11	608-38	Кум	м3	5	4,99					25,0		
